



ИММИГРАНТ ОИЛАЛАР ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ: ҮЗ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БҮЙИЧА ҚҰЛЛАНМА

Нью-Йорк шаҳар давлат мактабларидағи
иммигрант ва күп тилли оилалар учун
ресурс қўлланмаси



2024 йил июнь

Иммигрант оила имкониятларини кенгайтириш



МУНДАРИЖА

Бетлар

03

Муқаддима

- Ресурс кўлланмасининг умумий тавсифи ва мақсади.
- Нью-Йорк шаҳар давлат мактабларининг Кўп тилли ўқувчилар ва UndocuTeacher бўлимидан билдирилган миннатдорчилик.

05

Қудрат ва воситачи бўлиш тушунчаси

- Иммигрантлик ва кўп тилли оиласлар контекстида қудрат ва воситачи бўлиш тушунчасининг таърифи.
- Иммигрант оиласлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қадамлар.

06

1-қадам: Ўз билим ва хабардорлигингизни оширинг

- Мактаблarda иммигрант ва кўп тилли ўқувчиларга таъсир қилувчи сиёsat ва хукуқлар
 - Иммиграция терминологияси, хукуқлар ва сиёsatлар (нозик нуқталар)
 - Language Access тил хизматлари
 - Олий таълим
 - Вақтинчалик уй-жойда яшовчи оиласлар

13

2-қадам: Иштирок этиш орқали воситачи бўлишни машқ қилинг

- Таълим берувчилар билан самарали мулокот қилиш стратегиялари.
- Ота-оналар ва оиласининг мактабнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш имкониятлари.
- Мактабингизда маданий хабардорлик ва инклузивликни тарғиб қилиш.

17

3-қадам: Имкониятларни кенгайтириш учун ресурслардан фойдаланиш

- Иммигрант оиласлар учун ресурслар: Language Access тил хизматлари, юридик ёрдам, жамоат ташкилотларини қидириш ва бошқалар.
- Оила иштирокини визуализация қилиш.
- Оила иштирокида муваффақият қозониш учун иш варақаси.

20

Амалий мисолларни ўрганиш ва муваффақият ҳикоялари

- Нью-Йорк шаҳар давлат мактабларида қудрат ва воситачи бўлиш имкониятидан муваффақиятли фойдаланаётган иммигрант ва кўп тилли оиласлар мисоллар.
- Ушбу тажрибалардан олинган сабоқлар ва энг яхши амалиётлар.

21

Хуноса

- Барча муҳожир оиласларга хат.

Муқаддима



агар уй ақуланинг
ҳамласи олдида
тургандек ҳисни бермаса,
ҳеч ким уйдан чиқмайди,
сиз бутун шаҳарнинг югуратганини
кўрганингизда чегарага томон
югурасиз...

агар сув қуруқлиқдан хавфсизроқ
бўлмаса, ҳеч ким ўз фарзандларини
қайиқقا ўтқизмаслигини
тушунишингиз керак



Ушбу ресурс қўлланмасининг умумий тавсифи ва мақсади


Варсан Ширнинг (Warsan Shire) "Уй"
номли шеъридан олинган ушбу парча
кўплаб муҳожир оилалар учун уйни
тарк этиш кечинмаларини эсга солади,
бу ҳис хавфсизлик, имконият ва ривож
йўлинин топиш учун катта жасоратни
талаб қиласиди.

Иммигрант оилалар ўз фарзандлари учун уй ва келажак ҳиссини яратишга интилиб, кўпинча
камситиш, тизимли тўсиқлар ва бошқа қийинчиликларга дуч келинадиган нотаниш муҳитларни
босиб ўтишади. Ўз ҳаракатлари ва қурбонликлари орқали иммигрант оилалар ўз фарзандларининг
шахсияти ва тажрибасини шакллантиришда муҳим рол ўйнайдилар, миграция ва мансубликнинг
кенг қамровли контекстида ўзларининг кудрати ва воситачи бўлиш имкониятларини урғулайдилар.

Ушбу қўлланмада биз иммигрант оилаларнинг қурбонликларини ҳурмат қилишга ва уларнинг
ўзлари ва фарзандлари учун ватан барпо қилиш йўлидаги хос қудратини эътироф этишга
ҳаракат қиласиз. Биз уларнинг шахсий, маданий ва лингвистик хилма-хиллигини оилалар учун
иммиграция мақомидан қатъий назар, фарзандларининг академик ҳаётида ўзгаришлар қилиш,
етакчилик қилиш ва манфаатларни ҳимоя қилиш воситачиси бўлишлари учун зарур активлар
ва воситалар сифатида ҳурмат қиласиз. Биз оила иштироки ўқувчи учун умумий академик
ўзлаштириш муваффақияти ва мансублик ҳиссини қўллаб-куватлашини эътироф этамиз.

Биз Нью-Йорк шаҳар давлат мактабларидаги барча оила аъзоларини ўзингизни фарзандингизнинг
илм олиш сафарининг фаол аъзоси ва етакчиси сифатида кўрсатиш нимани англатишини
билиш учун ушбу қўлланмадан фойдаланишга таклиф қиласиз. Ушбу қўлланмада сиз иммигрант
оилалар сифатида ўз ҳуқуқларингиз ҳақида билимларга эга бўласиз, фарзандингиз мактабида
иштирок этишнинг турли йўллари ҳақида билиб оласиз ва мактаб жамоатида ўзгаришларни
амалга оширишда етакчилик қилиш ҳақида ғояларга эга бўласиз. Пауло Фреире (Paulo Freire)
ғояларига асосланган ушбу қўлланманинг масади мактаб ҳамжамиятининг барча аъзоларини ўз
таълим йўлининг фаол иштирокчиси ва ижтимоий реалликларни таҳлил қилиш ва ўзгартириш
кўникмаларини ривожлантиришга қодир эканлигини эҳтиром билан намойиш этишга қаратилган.

Миннатдорчилик



Нью-Йорк шаҳар давлат мактаблари Кўп тилли ўқувчилар бўлими

Кўп тилли ўқувчилар бўлимининг мақсади кўп тилли ва иммигрант ўқувчиларнинг ирқий, маданий ва лингвистик ўзига хослигини қўллаб-қувватловчи меҳмондўст муҳитда қатъий ва юқори талаблар қўйиладиган таълимдан тенг ҳуқуқда фойдаланиш имкониятини яратишга қаратилган. Биз ўқувчилар мактабларда мақсад ва мансублик ҳисси билан таълим олишлари ва олий таълимда, мартаба пиллапоясида кўтирилишда ва ҳаётда муваффақият қозонишга тайёр бўлишларини таъминлашга интиlamиз.

Доктор Мирза Санчес-Медиа (Mirza Sánchez-Media)

Кўп тилли ўқувчилар бўлими бошлиғи

Чарлен Кларк (Charlene Clarke)

Ижрочи директор, Кўп тилли ва иммигрант ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш масалалари

UndocuTeacher маркази


UndocuTeacher маркази иммигрант, ҳужжатсиз ва кўп тилли ўқувчиларнинг таълим олиш тажрибасини ошириш учун мўлжалланган ўқув воситалари, консалтинг хизматлари ва касбий ривожланиш имкониятларини таклиф этади. Уларнинг хизматлари иммигрант ўқувчиларнинг ижтимоий-эмоционал ривожланишига урғу қаратади, уларнинг ҳаётий тажрибаларига илм олишнинг қучли томонлари ва активлар сифатида қараб таълим беришда маданий жиҳатдан мос ёндашувни ишлаб чиқиш имкониятини беради. Кўп тилли ўқувчилар бўлими UndocuTeacher марказига ушбу қўлланмани яратишдаги фикр-мулоҳазалари ва ҳиссаси учун миннатдорчилик билдиради.

Эмилиано Фиалло (Emilia Fiallo)

UndocuTeacher асосчиси

Нью-Йорк шаҳар давлат мактабларининг собиқ ўқитувчиси
Собиқ ҳужжатсиз ўқувчи

Құдрат ва воситачи бўлиш тушунчаси



Құдрат

Құдрат - бу шахслар, гурӯҳлар ёки институтларнинг таъсир қилиш ва таъсир ўтказиш имконияти ёки қобилияти. Құдратнинг турли шакллари иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий құдратни ўз ичига олиши мүмкін ва у расмий тузилмалар (масалан, мактаблар) ва норасмий тармоқлар (ижтимоий мұносабатлар ва маданий амалиётлар) орқали ишлайди.



Иммигрант оиласарнинг құдратига қандай мисол келтириш мүмкін?

Иммиграция сафарингиздан қатый назар, сиз ҳар қандай янги мұхитда кезиш, мослашиш ва таъсир қилиш учун ўзингизга хос күч ва имкониятларга әгасиз. Сизнинг құдратингиз қуидагилардан келади:

- Сизнинг жасоратингиздан ва қийинчиликларга қарамай, ҳар куни олдинга илдамлаш қобилиятингиздан.
- Сизнинг маданий бойликларнингиздан, жамият билан алоқаларнингиздан ва ижтимоий тармоқларни яратиш ва улардан фойдаланиш қобилиятидан.
- Ўз йўлингизни яратиш, ресурслардан фойдаланиш ва ўзингизнинг ноёб тажрибангиз ва қарашларнинг орқали сиз аъзо бўлган жамиятларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тузилмасига ҳисса қўшиш қобилиятингиздан.

Воситачи бўлиш

Воситачи бўлиш - бу шахсларнинг мустақил ҳаракат қилиш ва ўзларининг эркин танловларини амалга ошириш қобилияти. Бу тизимли тўсиқлар ва тўскунликлар буни қийин ишга айлантириши мүмкін бўлган вазиятларда ҳам ўз ҳаёти ва қарорларига күч ва таъсир кўрсатиш қобилиятидир.



Иммигрант оиласарнинг құдратига қандай мисол келтириш мүмкін?

Иммигрант оиласар, ҳатто тил тўсиқлари, маданий фарқлар ва қонуний чекловлар каби қийинчиликларга дуч келгандა ҳам, ўз қарорларини қабул қилади ва ўзларининг эҳтиёjlари ва интилишларига энг мос ҳаракатларни амалга оширадилар. Иммигрант оиласар учун аоситачи бўлиш қуидагиларни ўз ичига олади:

- Автономия: Оилангиз учун танловлар ва қарорлар қабул қилиш қобилияти.
- Имкониятларни кенгайтириш: Ҳаракатга қўл уриш учун ресурслар, билим ва қобилиятлардан фойдаланиш.
- Масъулият: Ўз ҳаракатлари ва қарорлари натижалари учун жавобгар бўлиш.
- Қаршилик: Оилангизга фойда келтирмайдиган құдрат тузилмаларини ўзгартериш.

Энди нима қилиш керак:

Ҳимоячи бўлиш учун
ўз құдратим ва
воситачилигимдан қандай
фойдаланишим мүмкін?



Иммигрант оиласар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қадамлар:

- 1-қадам: Ўз билим ва хабардорлигингизни оширинг
- 2-қадам: Иштирок этиш орқали воситачи бўлишни машқ қилинг
- 3-қадам: Имкониятларни кенгайтириш учун ресурслардан фойдаланиш

1-ҚАДАМ: ЎЗ БИЛИМ ВА ХАБАРДОРЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ

НЬЮ-ЙОРК ШАҲАР ДАВЛАТ МАКТАБЛАРИДАГИ ИММИГРАНТ ОИЛАЛАР СИФАТИДА

ФОЙДАЛАНИШ

Нью-Йорк шаҳар давлат мактаблари ўқувчилар ёки оила аъзоларнинг иммиграция мақоми ҳақида сўрамайди ёки уни кузатмайди. Нью-Йорк шаҳар давлат мактабида таълим олиш учун АҚШ фуқаролиги шарт эмас.



Сиз билишингиз керак Пайлер-Дое иши, 1982 йил

Пайлер-Дое иши - Олий суд қарори бўлиб, барча болалар, **уларнинг иммиграция мақомидан қатъий назар, бепул К-12 давлат таълими олиш ҳуқуқига эга таъминлай** Ушбу қарор давлат мактабларида ҳужжатсиз иммигрант болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини тасдиқлаган ҳолда мактабга ўқишига қабул қилишни рад этишни тақиқлайди.

МАХФИЙЛИК:

Мактаблар сизнинг розилигингизсиз шахсий маълумотларингизни бўлиша олмайди, агар имзоланган суд қарори билан бу мажбурий қилинган бўлмаса.

FERPA

Оила таълим ҳуқуқлари ва махфийлик тўғрисидаги қонун (FERPA)

FERPA ҳақида билишингиз керак!

FERPA бийича ўқувчи ва оила ҳақидаги маълумотлар қонунан махфий сақланади. Мактаблар сизнинг шахсий маълумотларингизни бошқа идоралар, жумладан ИБН (Иммиграция ва божхона назорати) билан сизнинг розилигингизсиз бўлиша олмайди, агар имзоланган суд қарори билан бу мажбурий қилинган бўлмаса.

Бу шуни англатадики, сиз мактабингиз билан бўлишган барча маълумотлар махфий бўлиб қолади, жумладан:

- рўйхатга олиш ҳужжатлари.
- фарзандингиз учун исм-шариф, манзиллар ва ҳоказолар каби олий таълимга қабулга ариза бериш маълумотлари.
- манзиллар ва исм-шарифларни ўз ичига олган фавқулодда контакт маълумотлари.

1-ҚАДАМ: ЎЗ БИЛИМ ВА ХАБАРДОРЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ

НЬЮ-ЙОРК ШАҲАР ДАВЛАТ МАКТАБЛАРИДАГИ ИММИГРАНТ ОИЛАЛАР СИФАТИДА

ХАВФСИЗ МАКТАБЛАР

Маҳаллий бўлмаган хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан Иммиграция ва божхона назорати (ИБН) мактабларга рухсат этилмайди, агар қонун талаби бўлмаса ва Нью-Йорк шаҳар давлат мактаблари адвокатлари билан маслаҳатлашганидан кейин рухсат этилиши мумкин.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ДЕПАРТАМЕНТИ
(МҲД) ТОМОНИДАН "НОЗИК ЖОЙЛАР" СИЁСАТИГА
КЎРА, МАКТАБЛАР ИММИГРАЦИЯГА ОИД
ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМАЙДИГАН
ЖОЙЛАР ҲИСОБЛАНАДИ.

"Мактаблар" деб тан олинадиган жойлар

- Бошланғич ва ўрта мактаблар
- Колледжлар ва университетлар
- Болалар боғчалари
- Head Start дастурлари
- Бошқа таълим муассасалари



Ушбу эслатмага киритилган бошқа нозик жойлар:



Тиббий даволаш ва соғлиқни сақлаш муассасалари

- Касалхоналар, врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам муассасалари.



Ибодат жойлари

- Черковлар, синагогалар, масжидлар, ибодатхоналар).



Диний ёки фуқаролик Маросимлар ва ритуаллар:

- Дафн маросимлари, тўйлар, бошқа оммавий диний маросимлар.



Оммавий намойишлар:

- Маршлар, митинглар, парадлар, намойишлар

ЭСДА ТУТИНГ:
Сиз иммиграция мақомидан қатъий назар, фарзандингизнинг мактабига ташриф буюришингиз мумкин!



- Мактаблар иммигрант оилалар учун хавфсиз жойдир.
- Мактаблар кириш учун штат ёки АҚШ томонидан берилган шахсни тасдиқловчи хужжатни тақдим этишингизни сўрамайди.
- Меҳмон ёки ташриф буюрувчи сифатида мактабга кириш учун паспорт, Консул гувоҳномаси, Нью-Йорк шаҳар ID ҳужжати (IDNYC), фотосуратли ходим гувоҳномаси, фотосуратли жамоат ёрдам картаси ёки талаба гувоҳномасини олиб келишингиз мумкин.

1-ҚАДАМ: ЎЗ БИЛИМ ВА ХАБАРДОРЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ

КҮП ТИЛЛИ ОИЛАЛАР СИФАТИДА

КҮП ТИЛЛИ ЁНДОШУВ

Нью-Йорк шаҳар давлат мактаблари күп тилли оилалар ва ўқувчиларнинг маданий ва тил хилма-хиллигини барча мактаб жамоалари учун бойлик сифатида қадрлайди.



НЬЮ-ЙОРҚДАГИ МАКТАБЛАР ЎҚУВЧИЛАРИ КҮП ТИЛЛИ

2022-2023 ўкув йилида, ELL ўқувчилар

Нью-Йорк шаҳар давлат мактабларида инглиз тилидан ташқари 150 та тилда мулоқот қилишган. 66% дан ортиқ ELL ўқувчилар испан тилида сўзлашувчилар, ундан кейинги ўринларда хитой, араб, рус, бенгал, урду, гаити креол, ўзбек, француз ва украин тилларида сўзлашадиган ўқувчилар.

Манба: Күп тилли оилалар бўлими томонидан тузилган 2022-23 йилдаги ELL ўқувчилари демографияси ҳақида қисқача умумий ҳисбот

ИММИГРАНТ ВА КҮП ТИЛЛИ ОТА-ОНА СИФАТИДА БИЛИШИНГИЗ КЕРАК БЎЛГАН АТАМАЛАР



- **Күп тилли** - бу бир кишининг ёки жамият ичида бир нечта тиллардан фойдаланишини англаради.
- **Инглиз тили янги тил сифатида (ENL)** бу ELL ўқувчиларнинг инглиз тилини билиш даражасини оширишда ёрдам бериш учун мўлжалланган дастурдир.
- **Инглиз тилини ўрганувчи (ELL)** – асосий тили инглиз тили бўлмаган ва инглиз тилини эгаллаш учун қўшимча ёрдамга муҳтоҷ бўлган ўқувчи.
- **Икки тилли таълим дастурлари**- Икки тилли ва вақтинчалик икки тилли таълимни ўз ичига олган ушбу дастурлар ўқувчиларга инглиз ва ўз она тилларида малакали бўлишга ёрдам беради. Икки тилли дастурларида иккала тилда ҳам дарс берилади, вақтинчалик икки тилли таълим эса аста-секин бориб инглиз тилида таълим беришга ўтишни мақсад қиласди.

1-ҚАДАМ: ЎЗ БИЛИМ ВА ХАБАРДОРЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ

КҮП ТИЛЛИ ОИЛАЛАР СИФАТИДА

LANGUAGE ACCESS ТИЛ ХИЗМАТЛАРИ

Мактаблар оиласлар ўзлари хоҳлаган тилда мактаб билан муҳим мулоқотларни, жумладан ҳужжатларни таржима қилиш ва оғзаки таржима хизматларини олишларини таъминлаши керак.

Language Access тил хизматларига бўлган ҳуқуқларингизни билинг

Афзал тилда мулоқот:

- Оиласлар ўз фарзандларининг ўқиши ҳақидаги маълумотларни ўзлари хоҳлаган тилда олиш, жумладан, муҳим ҳужжатларни таржима қилиш ва оғзаки таржимонлик хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзлаштириш ҳисоботлари:

- Ота-оналар фарзандининг инглиз тилини ва бошқа ўқув фанларини ўрганишдаги ўзлаштириш даражаси тўғрисида ўзлари хоҳлаган тилда мунтазам равишда ҳисобот олиш ҳуқуқига эга.

ТИЛ ТАНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мактаблар инглиз тилини янги тил сифатида (ENL) ўқитиши хизматларини тақдим этиши керак, жумладан, инглиз тилини билиш даражасини ошираётган барча ўқувчилар учун Икки тилли таълим дастурлари.

Тил танлаш имкониятлари ҳуқуқингизни билинг

Тил бўйича кўмак хизматлари:

- Ота-оналар фарзандининг инглиз тилини билиш даражасини баҳолаш ва инглиз тилини янги тил сифатида ўқитиши (ENL) ва икки тилли таълим дастурлари каби тегишли тил бўйича кўмак хизматлари олиш ҳуқуқига эга.

Дастур танлаш:

- Ота-оналар ўз фарзанди учун мавжуд тил бўйича кўмак дастурлари (масалан, икки тилли, вақтингачалик икки тилли таълим, ENL) дан кераклисини танлаш ва ҳар бир дастур варианти ҳақида батафсил маълумот олиш ҳуқуқига эга.

Мактаб тадбирларида иштирок этиш:

- Ота-оналар ўз фарзандининг таълими билан боғлиқ барча мактаб тадбирлари ва йиғилишларида тил бўйича ёрдам олган ҳолда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

1-ҚАДАМ: ЎЗ БИЛИМ ВА ХАБАРДОРЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ВА МАРТАБАГА ТАЙЁРЛАШ
ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ТАЙЁРЛАШ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хужжатсиз ўқувчилар мақомидан қатыйи назар олий таълимда ўқишилари мумкин.

АРАЛАШ СТАТУСДАГИ ОИЛАЛАР

АҚШда туғилган ўқувчилар ҳатто ота-оналари хужжатсиз бўлса ҳам олий таълимда ўқишилари мумкин.

МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ

Хужжатсиз ўқувчиларга таълимни молиялаштириш учун молиявий ёрдам мавжуд!

Хужжатсиз ўқувчилар учун факталар:

- Хужжатсиз ўқувчилар федерал молиявий ёрдам, шу жумладан грантлар, кредитлар ва иш ва ўқиш дастурларидан, фойданишга ҳақли эмас.
- Нью-Йоркдаги хужжатсиз ўқувчилар Нью-Йорк штати DREAM қонуни орқали давлат молиявий ёрдамидан фойдаланишлари мумкин, бу уларга турли хил ёрдам турларига мурожаат қилиш имконини беради, жумладан:
 - Ўқиш пулига ёрдам дастури (TAP)
 - Excelsior стипендияси: SUNY ёки CUNY мактабларида ўқувчи ҳақли ўқувчилар учун ўқиш пулини қоплади
 - Илфор таълим мукофотлари (ETA): Нью-Йоркдаги хусусий колледжларда ўқиётган ўқувчиларга ўқиш пули учун ёрдам таклиф қиласди.
 - Ариза топшириш учун ўқувчилар Нью-Йорк шаҳар DREAM қонуни анкетасини онлайн тарзда тўлдиришлари ва талабларга жавоб беришлари керак.
- Нью-Йоркдаги хужжатсиз ўқувчилар, агар улар маълум мезонларга жавоб берсалар, давлат колледжлари ва университетларида штат фуқаролари учун белгиланган ўқиш пули ставкаларида тўлашлари мумкин, жумладан қўйидаги мезонларга:
 - Улар Нью-Йоркдаги ўрта мактабда камида икки йил ўқиган ва Нью-Йоркдаги ўрта мактабни тутгатган бўлиши ёки Нью-Йорк штати GED тестини топширган бўлиши керак.
 - Улар ўрта мактаб дипломини ёки GED тестини топширгандан кейин беш йил ичida Нью-Йорк штатидаги колледж ёки университетига ўқишга киришлари керак.
 - Улар қонуний резидентлик учун ариза бериш хукуқига эга бўлган заҳоти ариза топширишлари ҳақида баён қилган ҳолда колледж ёки университетга аффидавит тақдим этишлари керак.

АҚШда туғилган, аралаш статусдаги оилаларда туғилган болалар учун:

- Федерал ёрдам олиш учун мезонлар: Агар ўқувчи АҚШ фуқароси ёки АҚШ фуқаролиги бўлмаган мезонларга жавоб берувчи ўқувчи бўлса, у ота-онасининг иммиграция мақомидан қатыйи назар, ўқувчилар федерал молиявий ёрдам олиш учун ариза бериш учун фойдаланадиган Федерал ўқувчилар ёрдами бепул анкетасини (FAFSA) тўлдириши мумкин.
- Оилаларга янгилликлардан хабардор бўлиш учун <https://studentaid.gov/h/apply-for-aid/fafsa> сайтига ташриф буюриш ва фарзандингизнинг коллек маслаҳатчисидан ёрдам сўраш тавсия этилади.

1-ҚАДАМ: ЎЗ БИЛИМ ВА ХАБАРДОРЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ ВАҚТИНЧАЛИК УЙ-ЖОЙДА ЯШОВЧИ ОИЛАЛАР

Вақтинчалик уй-жойда яшовчи ўқувчиларга қуидаги ёшлар ва оилалар киради:

- Икки баравар кўпайган (уй топа олмагани ёки сотиб олмайдилар ҳолатдалиги сабабли дўстлари ёки қариндошлари билан турувчи)
- Бошпана ёки вақтинчалик бошпанада яшовчи,
- Меҳмонхона/мотелда яшовчи,
- Машинада, автобусда ёки поездда яшовчи,
- Парк ёки жамоат жойида яшовчи ёки
- Ташландиқ бинода яшовчи
- Ота-онаси ёки васийси қарамоғида бўлмаган ҳамроҳсиз ёшлар ҳам ҳисобга олинади, шу жумладан:
 - уйдан қочиб кетган,
 - уйдан ҳайдаб чиқарилган
 - ота-онаси томонидан ташлаб кетилган.

Манба: Вақтинчалик турар-жойда яшовчи Нью-Йорк шаҳар давлат мактаблари ўқувчилари


МСКИННЕЙ-VENTO ҚОНУНИ

Вақтинчалик уй-жой
яшовчи ўқувчилар
бепул таълим олиш,
бепул транспорт ва
ҳоказоларни ўз ичига
олган ҳуқуқларга эга.

SМавжуд вақтинчалик уй-жой шароитлари туфайли McKinney-Vento қонуни берадиган имтиёзларга эга ўқувчилар ва оилалар қуидаги ёрдам олиш ҳуқуқига эга:

- Бепул давлат таълими.
- Ўринлар мавжуд бўлса, зудлик билан маҳаллий мактабга қабул қилиниш.
- Ҳозирги жойида қанча вақт яшаганидан қатъий назар, мактабда таълим олиш.
- Ўзининг асл мактабида қолиш (уйсиз бўлмасдан олдин ўқиган мактабда ёки охирги ўқиган мактабда) ёки янги ҳудуд учун ажратилган мактабга таълим олишни танлаш.
- Мактабга ва мактабдан транспорт хизматлари.
- Вазияти ёки қабул ҳужжатлари йўқлиги сабабли дарҳол мактабга қабул қилишни рад этмаслик.
- Уйсизлиги сабабли одатий мактаб дастуридан ажратилмаслик.
- Бепул мактаб овқати олиш.

Манба: Вақтинчалик турар-жойда яшовчи Нью-Йорк шаҳар давлат мактаблари ўқувчилари



1-ҚАДАМ: ЎЗ БИЛИМ ВА ХАБАРДОРЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ

ВАҚТИНЧАЛИК УЙ-ЖОЙДА ЯШОВЧИ ОИЛАЛАР

2



ХУЖЖАТСИЗ ОИЛАЛАР

Хужжатсиз иммигрант оилалар статусидан қатъий назар кўплаб шаҳар хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Иммиграция мақомидан қатъи назар, оилалар қўйидагилардан фойжаланиши мумкин:

- Арzon ёки бепул тиббий суғурта
- Мактабда бепул нонушта ёки тушлик
- IDNYC орқали бепул шаҳар ID картаси
- Буфет ва жамоат ошхоналаридан овқатлар
- Нью-Йорк шаҳар ёзги билимларни бойитиш дастурлари

Манба: Вақтинчалик уй-жойда яшовчи ўқувчилар учун ресурслари қўлланмаси

3



ОИЛАЛАР УЧУН “ХУШ КЕЛИБСИЗ” ЁРДАМ МАРКАЗЛАРИ

Хуш келибсиз марказлари, мактаб ижтимоий ходимлари ва онлайн ресурслар сизга ёрдам олиш учун маҳаллий ёрдам манбаларини тақдим этади.

МУҲИМ РЕСУРСЛАР:

- Рўйхатдан ўтиш учун “хуш келибсиз” ёрдам марказлари:
 - <https://www.schools.nyc.gov/enrollment/enrollment-help/family-welcome-centers>
- Уй-жой, давлат нафақалари, транспорт ва озиқ-овқат билан таъминлаш каби асосий ресурсларга етиб боришда ёрдам олиш учун **мактабингизнинг ижтимоий ходимига** мурожаат қилинг.
- **Вақтинчалик уй-жойда яшовчи ўқувчилар учун асосий қўлланмана:**
 - sth.cityofnewyork.us/

2-ҚАДАМ: ИШТИРОК ЭТИШ ОРҚАЛИ ВОСИТАЧИ БҮЛИШНИ МАШҚ ҚИЛИНГ

- ТАЪЛИМ БЕРУВЧИЛАР БИЛАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ
- ОТА-ОНАЛАР ВА ОИЛАННИГ МАКТАБНИНГ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ
- МАКТАБИНГИЗДА МАДАНИЙ ХАБАРДОРЛИК ВА ИНКЛЮЗИВЛИКНИ ТАРФИБ ҚИЛИШ

**Оилалар,
ўқитувчилар ва
жамоат аъзолари
ўқувчиларнинг
ўзлаштиришда
муваффақиятга
эришишида
муҳим
шериклардир.**

Ушбу жамоавий
ишнинг марказида
билимли, машғул
ва ҳозиru нозир
турадиган оиладан
наф кўрадиган
ўқувчи турди.

Ҳар бир оила учун
мактабдаги иштирок
турлича бўлади. Сиз
ва фарзандингиз
учун ушбу ишга жалб
бўлишнинг энг яхши
усуларини аниқлаш
учун воситачи бўлиш
қобилияtingиздан
фойдаланинг.

Амалиёт №1

Фарзандингизнинг
мактаби ва
ўқитувчилари билан
мулоқотда бўлиб
туринг ва масъулиятни
доим ҳис қилинг.

Амалиёт №2

Фарзандингиз
мактабида иштирок
этинг ва кўзга
кўриниб туринг.

Амалиёт №3

Фикр-мулоҳаза
билдиринг ва
фарзандингиз мактаби
 билан фикрлар
бўлишинг.

**Эсда тутингки,
сизнинг иммиграция
мақомингиз
ва тил қобилияtingиз
фарзандингиз мактабида
жараёнларда иштирок
этишингизга
тўсқинлик қилмайди!**



2-ҚАДАМ: ИШТИРОК ЭТИШ ОРҚАЛИ ВОСИТАЧИ БҮЛИШНИ МАШҚ ҚИЛИНГ

Контакт маълумотларингизни янгиланг

Янгиланган маълумотларингизни фарзандингизнинг мактабидораси билан бўлишиш орқали фавқулодда контакт маълумотларингиз долзарб эканлигига ишонч ҳосил қилинг.

Нью-Йорк шаҳар мактаблари аккаунти

Нью-Йорк шаҳар мактаблари аккаунти (NYCSA) иловаси фарзандингизнинг баҳолари, давомати, дарс жадвали ва бошқалар билан таниш имконини бераб, унинг таълимимини кузатиб боришга ёрдам беради.

Амалиёт №1: Фарзандингизнинг мактаби ва ўқитувчилари билан мулоқотда бўлиб туринг ва масъулиятни доим ҳис этинг



Ота-оналар мувофиқлаштирувчиси билан гаплашинг

Дастурлар, ресурслар, тренинглар, тадбирлар ва жараёнларда иштирок этиш имкониятлари ҳақида кўрсатмалар ва маълумот олиш учун фарзандингиз мактабидаги ота-оналар координатори билан боғланинг.

Ўқитувчилар билан мулоқот қилиш

Ўқитувчилар ва мактаб ходимлари телефон кўнғироқлари, СМС ва/ёки электрон почта орқали боғланади. Мулоқот сизнинг тилингизда бўлишига ишонч ҳосил қилинг. Агар сизга таржима бўйича ёрдам керак бўлса, мактабга мурожаат қилинг.

РЕСУРСЛАР:

- Агар сиз аниқ бир мактаб ходими, жумладан, фарзандингиз мактабининг ота-оналар координаторининг контакт маълумотлари керак бўлса, <https://schoolsearch.schools.nyc/> сайтига ўтинг ва мактаб номини киритинг.
- Нью-Йорк шаҳар мактаблари аккаунтингиз борлигига ишонч ҳосил қилинг. Уз тилингизда ҳисоб очиш учун <https://www.schoolsaccount.nyc/> га киринг.

МАСЛАҲАТ:

Дўстингиз хабардорлигини текширинг! Агар сиз мактабингиз билан барча мулоқот воситаларини ўрнатган бўлсангиз, дўстингизга ҳамжамият сифатида хабардор бўлиши учун худди шундай қадамларни бажаришини айтинг!

2-ҚАДАМ: ИШТИРОК ЭТИШ ОРҚАЛИ ВОСИТАЧИ БЎЛИШНИ МАШҚ ҚИЛИНГ

Мактаб учрашувлари ва тадбирларида иштирок этинг

Ўз иштирокингизни, овозингизни ва қўллаб-куватлашингизни кўрсатиш учун экскурсиялар, дарсларда ёрдам бериш ёки мактаб кўргазмалари каби мактаб тадбирларида қатнашинг.

Ота-оналар ва ўқитувчилари конференцияларида қатнашинг

Фарзандингизнинг ютуқлари ҳақида хабардор бўлиш ва ҳар қандай муаммоларни ҳал қилиш учун мунтазам равища унинг ўқитувчилари билан учрашувларда қатнашинг. Мактаб бунда таржима ва оғзаки таржимонлик хизматларини тақдим этиши керак.

Амалиёт №2: Фарзандингиз мактабида иштирок этинг ва кўзга кўриниб туринг.

Ота-оналар юрғизадиган гурухлар ва қўмиталарда иштирок этинг

Тил қобилиятидан қатъий назар, мактаб қарорлари ва фаолиятига ҳисса кўшиш учун ота-оналар ва ўқитувчилар уюшмаси ёки бошқа мактаб қўмиталарининг фаол аъзоси бўлинг.

Мунтазим равища мактабга ташриф буюриб туринг

Ходимлар ва ўқитувчилар билан мuloқot қилиш учун мактабга вақти-вақти билан ташриф буюриб, фарзандингизнинг таълими ва таъминоти билан доимий қизиқишишингизни кўрсатинг.

РЕСУРСЛАР:

- Нью-Йорк шаҳар давлат мактабининг муҳим саналарини мактаб тақвими орқали билиб олинг: <https://www.schools.nyc.gov/calendar>

Маслаҳат: Фарзандингизнинг ўқитувчиларига ушбу саволларни берганмисиз?

- Фарзандим бу синфда нимани ўрганиши кутилмоқда ва у қандай йирик лойиҳалар билан шуғулланмоқда?
- Фарзандим йил давомида тил билан боғлик ва синф даражасидаги талабларга жавоб берәётганини қандай билсан бўлади?
- Фарзандим нималарни яхши бажаради ва у қайси жабҳаларда қийналади?
- Фарзандим кўшимча ёрдамга муҳтоҷ бўлса ёки синфдан ташқарида кўпроқ ўрганишни хоҳласа, қандай ресурслар мавжуд?
- Саволларингиз бўлса, сиз билан қандай боғланишим мумкин?

2-ҚАДАМ: ИШТИРОК ЭТИШ ОРҚАЛИ ВОСИТАЧИ БЎЛИШНИ МАШҚ ҚИЛИНГ

Сизнинг нуқтаи назарингиз муҳим

Нью-Йорк шаҳар давлат мактаблари иммигрант ота-оналар жараёнда иштирок этганда ва иммигрант ўқувчилар учун дастурлаш ва кўллаб-кувватлаш тизимлари ҳақида маълумот берувчи ноёб ёндошувга эга бўлганда, ривожланади.

Мактаб сўровномалари ва фикр-мулоҳаза формаларини тўлдиришда иштирок этинг:

Ўз фикр ва таклифларингизни билдириш учун мактаб томонидан тақдим этиладиган ҳар қандай сўровномаларда ёки фикр-мулоҳаза билдириш имконият ларида қатнашинг.

Амалиёт №3: Фарзандингиз мактабига фикр- мулоҳазаларингизни билдиринг ва фикр алмашинг

Фарзандингизнинг эҳтиёжларини билдиринг

Ўқитувчилар ва мактаб ходимларини фарзандингизни яхшироқ кўллаб-кувватлашга ёрдам берадиган ҳар қандай ўзиға хос эҳтиёжлари, ўрганиш услублари ёки маданий омиллар ҳақида хабардор қилинг.

Ўз маконингизни яратинг

Агар сизнинг мактабингиз тилга бўлган эҳтиёжларингизни кўллаб-кувватлаш ёки иштирок этишингизни осонлаштириш учун ресурслардан фойдаланмаётган бўлса, иммигрант оиласарнинг овози эшитилиши ва ҳисобга олинишини таъминлаш учун ўзгаришларни ёқлашга тайёр бўлган бошқа ота-оналар ва ўқитувчиларни кўллаб-кувватлаш тизимини яратинг.



РЕСУРСЛАР:

- Сизнинг нуқтаи назарингиз керак бўлган жойда иштирок этинг:
 - Ўқувчилар ва оиласарни ҳимоя қилиш учун Ота-оналар уюшмасига қўшилинг:<https://www.schools.nyc.gov/get-involved/families/parent-associations>
 - Инклюзивлик ва хилма-хилликни тарғиб қилиш учун Мактаб соғломлаштириш кенгашига қўшилинг:<https://www.schools.nyc.gov/get-involved/families/school-wellness-councils>

МАСЛАҲАТ:

Агар мактабингизда бирор нарсани ўзгартирмоқчи бўлсангиз, ёрдам бериши мумкин бўлган иттифоқчи ёки ходим ҳақида ўйлаб кўринг. Хавотирларингизни улар билан баҳам кўринг, кузатиб боринг ва муаммони мактаб жамоаси сифатида биргалиқда ҳал қилишга сабитқадам бўлиб қолинг.

3-ҚАДАМ: ИМКОНИЯТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

LANGUAGE ACCESS ТИЛ ХИЗМАТЛАРИ

Нью-Йорк шаҳар давлат мактаблари сизнинг тилингизда гапиради! Оилалар тил хизматларини талаб қилишлари мумкин. Батафсил маълумот: schools.nyc.gov/school-life/school-environment/hello



НЬЮ-ЙОРК ШАҲАР ДАВЛАТ МАКТАБЛАРИ ТОМОНИДАН ОТА-ОНА УНИВЕРСИТЕТИ

Ота-оналар университети бепул курслар, ресурслар, тадбирлар ва машғулотлар орқали ўз ўқувчиларининг таълим олишида шериклар, ҳимоячилар ва умрбод ўқитувчилар сифатида оиласарга таълим беришга ва уларнинг имкониятларини кенгайтиришга интилади. Рўйхатдан ўтиш: parentu.schools.nyc



ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Кўп тилли ўқувчилар ва иммигрант ўқувчиларга ёрдам берадиган жамоат ташкилотлари: bit.ly/DMLCBO



ИНГЛИЗ ТИЛИНИ БЕПУЛ ЎРГАНИНГ

We Speak NYC (WSNYC) дастури шаҳарнинг катталар учун инглиз тилини ўрганиш ва сұхбат курсларидан иборат бепул дастуридир, у маҳар мэриясининг Иммиграция масалалари бўлими (MOIA) томонидан ташкил этилади. Ташириф буюринг: nyc.gov/wespeaknyc



ИММИГРАЦИЯ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

IDNYC картаси шаҳар хизматларидан фойдаланиш ва аҳолига хизмат кўрсатадиган шаҳар биноларига кириш имконини берувчи ҳимояланган хужжатдир. Ташириф буюринг: nyc.gov/site/idnyc/index.page



Нью-Йорк штатида яшовчи хужжатсиз иммигрантлар стандарт ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки ҳайдовчи бўлмаган ID картаси учун ариза топширишлари мумкин. Ташириф буюринг: dmv.ny.gov/

ИММИГРАЦИЯ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

Нью-Йорк шаҳри соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва кутубхоналар каби турли жойларда ишончли жамоат ташкилотлари орқали бепул, иммиграция бўйича хавфсиз ҳуқуқий ёрдамни таклиф қилади. Иммиграция мақомидан қатъий назар, хизматлар сизнинг тилингизда кўрсатилади. MOIA бўлнимининг Иммиграция бўйича ҳуқуқий ёрдам хизматига 800-354-0365 ёки 311 рақамига қўнғироқ қилинг ва у душанбадан жумагача соат 9:00 дан 18:00 гача ишлайди, мурожаат қилганда "ActionNYC" деб айтинг.



ОИЛА ИШТИРОКИННИГ ВИЗУАЛ МОДЕЛИ

Иммигрант ва кўп тилли оиласар ўз ҳуқуқлари ва мавжуд ресурсларидан фойдаланган ҳолда ўз мактабларида ижобий ўзгаришлар яратиш учун қудрат ва ваколатга эга. Ўз ҳуқуқларингизни тушуниб, сизнинг ихтиёрингизда бўлган ресурслардан фойдаланган ҳолда, оиласар ишонч билан ўзгаришлар ташаббусларини бошлашлари мумкин. Бу сизнинг фарзандингиз мактабидаги такомиллаштиришни ҳимоя қилиш вақти келганида, тил тўсиқлари ёки иммиграция мақомидан қатъий назар, буни ишонч ва билим билан қилишингиз мумкинлигини таъминлади. Мактаблар барча оиласар ўзларини дахлор деб ҳисоблайдиган ва ўзгаришлар қилиш учун кучга эга бўлган жойлар бўлиши керак.



Жамоангизни тузинг: жамиятда оқилликни топинг.

- Сизнинг ташвишларингизни баҳам кўрадиган иттифоқчилар гурухини тўпланг. Бу РТА аъзолари, етакчилик гурухи аъзоси ёки айни фикрдаги отоналар гурухи бўлиши мумкин.
- Ҳаракат:** Муаммони муҳокама қилиш ва биргалиқда стратегияни ишлаб чиқиш учун учрашув ўтказинг ёки гурух сұхбатини ташкил этинг. Умумий тажриба ва яқдил фикрдан фойдаланинг.

ОИЛА ИШТИРОКИДА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШ УЧУН ИШ ВАРАҚАСИ

Овозингиздан мактаб ҳамжамиятининг бир қисми сифатида фойдаланишга ишонч ҳосил қилиш учун зарур бўлган ресурсларингиз, билимларингиз ва воситаларингиздан фойдаланишда сизга ёрдам бериш учун мўлжалланган ушбу иш варақасини тўлдириш орқали ишни тартибга солинг.

Мактаб номи: _____

Билиш керак бўлган муҳим мактаб маълумотлари:

- Мактабим ота-она координаторининг исм-шарифи: _____
 - Ота-она координаторининг контакт маълумотлари: _____
 - ENL координатори ёки ўқитувчисининг исм-шарифи _____
 - Ота-она координатори ёки ўқитувчининг контакт маълумотлари: _____
 - Мактаб ўқувчисининг ота-онаси ва дўстининг исм-шарифи ва телефон рақами: _____
-


Ўқув йили учун муҳим вазифалар рўйхати

- Бош офис билан контакт маълумотларимни янгилаш
 - NYC Schools аккаунтини очиш
 - Мактабдан ўз тилимда хабарларни олиш (электрон почта, СМС ёки телефон кўнғироқлари)
 - Ўзимни ота-она координаторига танишириш
 - Ўқув йили бошида ўқитувчилар билан учрашиш учун камидаги битта ота-оналар тадбирида катнашиш
 - Кузда ота-оналар конференциясида катнашиш
 - В Ота-оналар юритадиган уюшма ёки қўмитага аъзо бўлиш
 - Фарзандимнинг камидаги битта ўқитувчи билан боғланиш
 - Фарзандимни кўллаб-қувватлаш учун мактаб тадбирида катнашиш (бадиий чиқиш, тақдимот ёки ўйин)
 - Фикрдош ота-оналардан янги дўст орттириш
 - Баҳорда ота-оналар конференциясида катнашиш
 - Йилига камидаги бир марта сўровномада мактаб ҳақида фикр билдириш
-

Жамоат ташкилотлари:

- Иммиграция хизматлари: _____
- Уй-жой бўйича ёрдам: _____
- Маҳаллий черков: _____
- Руҳий саломатлик бўйича ёрдам: _____

Амалий мисолларни ўрганиш ва муваффақият ҳикоялари



ФИАЛЛО ОИЛАСИ

- Биз Эквадордан келган муҳожир оиласиз
- Нью-Йорк давлат мактабларида 2 нафар фарзандимиз ўқирди
- Биз испан тилида гаплашамиз

Биз дуч келган қийинчиликлар:

Биз фарзандларимизни мактабга беришимиз мумкинлигини билмасдик ва қўпинча ота-оналар йиғилишларини ўтказиб юборардик. Биз ўзимизни мактабдан узилиб қолгандек ҳис қилардик ва қизларим коллекга ҳужжат топшириш вақти келганида, биз уларга ёрдам бера олмадик, чунки мактабда ким билан гаплашишни билмасдик.

Қийинчиликларимизга ечимлар

Фарзандимизнинг коллеж маслаҳатчиси қизим ёрдам сўраганида бизнинг коллежга нисбатан ишончсизлигимизни аниқлади. Қизим коллеждаги фаолиятини бошлиш учун стипендия олганида биз маслаҳатчи билан учрашдик. Биз ҳужжатсиз ўқувчиларнинг имкониятлари борлигини билмасдик.

Бизнинг кучли томонларимиз

- Бизнинг ишончимиз
- Фарзандларимизга бўлган меҳримиз
- Биз қурган никоҳ
- Овқат пиширишни яхши кўриш!

Бизнинг севимли машғулотларимиз


- Жума куни парқда пикник
- Дам олиш кунларида футбол ўйинлари

Ўрганилган
сабоқ



Фиалло оиласи коллеж маслаҳатчисидан ёрдам олиш учун иммиграция мақомини маълум қилишлари шарт эмас эди. Ҳар бир мактаб барча ота-оналар ўз тилида мавжуд ресурслар ҳақида хабардор бўлишини таъминлаши керак. Фиалло оиласи коллеж маслаҳатчини шунга ўхшаш вазиятларда кўпроқ ҳужжатсиз ва аралаш мақомдаги оиласалар мавжудлигидан хабардор қилиб, прецедент ўрнатди. Фиалло оиласи ўзларининг ҳукуқ ва манбаатларини ҳимоя қилганликларини нишонлашлари керак, бу ушбу ресурсларни келажакда барча оиласалар билан бўлишишни таъминлайди.

Амалий мисолларни үрганиш ва муваффақият ҳикоялари



Бизнинг кучли томонларимиз

- Биз бир-бirimiz билан мулоқотда шаффофф ва тўғрисизмиз. Биз оила сифатида биргалиқда қарорлар қабул қиласиз.

Бизнинг севимли машғулотларимиз

- саёҳат
- турли хил овқатларни тайёрлашб стол
- ўйинлари ва бошқотирмалар
- бирга фильм томоша қилиш
- стрессни мусиқа ва рақс билан чиқариш

БХУИЯН- МОРАЛЕС ОИЛАСИ

- Биз жануби-шарқий осиёлик ва мексикалиқдан иборат аралаш мақомдаги оиласиз
- Нью-Йорк давлат мактабларида 2 нафар фарзандимиз ўқирди
- Биз бенгал, испан ва инглиз тилида гаплашамиз

Биз дуч келган қийинчиликлар:

Катта фарзандимиз борасида мактаб биз билан фаол мулоқот қилишда қийналди. Менинг энг катта ташвишим фарзандим ўша мактабда бошдан кечирган маданий тушунмовчиликлар эди. Биз раҳбарият, маслаҳатчи, ўқитувчи, саводхонлик бўйича мураббий ва арт-терапевт билан учрашув ташкил этдик. Мен муаммоларим рўйхатини ва ўз таклифларимни келтирдим, мен билган нарсаларим фарзандим учун энг самарли иш беради деб билишимни ҳимоя қилдим. Йўл-йўриқ берувчи маслаҳатчи ёрдамида биз режа ишлаб чиқдик. Бу ўз самарасини берди ва ўғлимнинг хулқ-атвори сезиларли даражада яхшиланганини кўрдик, лекин мактабга бўлган ишончим синган эди.


Қийинчиликларимизга ечимлар

Мактаб маслаҳатчиси имкониятларимизни тушунишимизга ёрдам берди. Оила сифатида биз мактабларни чуқурроқ үрганишга қарор қилдик ва баъзида мактаб тўғри келмаслиги мумкинлигини қабул қилдик. Фарзандимизни тушунадиган мактабга ўтказиш вақти келганини билиш муҳимлигини англашиб. Энди мен гапиришга қодир эканлигимни биламан. Мен барча сухбатлар ва ўзаро муносабатларни ҳужжатлаштиришни, учрашувларга далил ва ечимлар билан тайёр туришни ўргандим.

Үрганилган
сабоқ



Бхуян-Моралес оиласи қийин қарорлар қабул қилишга мажбур бўлди. Ота-оналар ўз ташвишларини мактабга етказишлари, ҳар икки томоннинг жавобгарлигини таъминлаш жуда муҳимдир. Агар сизга учрашувлар учун тил бўйича ёрдами керак бўлса, мактаб буни таъминлаши керак. Иммигрант оила сифатида сиз қасос олишларидан қўрқмасдан фарзандингизнинг ўқишдаги ютуқларини мактаб билан муҳокама қилиш ҳуқуқига эгасиз. Агар сизга қўшимча маълумот керак бўлса, мутахассислардан ёрдам сўраш ҳам муҳимдир. Бхуян-Моралес оиласи болалар психологи ва руҳий саломатлик бўйича терапевт билан маслаҳатлашиб, ёрдам олди. Улар ўз фарзандлари учун энг яхши ҳимоячилардир.



Барча муҳожир оилаларга хат

Ота-онага миграциядан кейин оилада содир бўладиган муҳим ҳаётий ўзгаришларга юзма-юз келишда кучли ва чидамли бўлишга ўргатадиган ҳеч қандай қўлланма йўқ. Болаларни тарбиялаш, иш жойларини сақлаб қолиш ва янги маданият ва тилни ўрганиш билан бирга, уй комфортидан кечиб узоқда бўлган янги мамлакатга бориш бўйича босқичма-босқич қўлланма йўқ. Ушбу янги тажрибаларнинг кўпчилиги қийинчиликларга олиб келади, лекин аввалгидек, сиз бу қийинчиликларни енгиб, яхши кунларга етасиз. Нью-Йорк шаҳрида иммигрант ота-она бўлиш осон эмас, лекин буни ёлғиз қилиш шарт эмас. Барча муҳожирларга хос кучнинг бир қисми бу ҳаммага тўлиқ ғамхўрлик қилиш таъминлаш учун ҳамжамият ва қўллаб-қувватлаш тармоқларини яратиш қобилиятидир.

Жамият қийинчиликларни енгишнинг калитидир. Биз жамиятдаги кучмиз.

Ҳар куни қийинчиликлар юзага келганда, оилангиз учун янги уйингизда орзу қилган ҳаётни яратиш учун ўзингизга, жамоангизга ва ресурсларингизга мурожаат қилиш учун қудрат ва воситачиликка эга эканлигинги зни унутманг. Нью-Йорк шаҳар давлат мактаблари иммигрант оилалар учун хавфсиз жойлар, иммигрант оилалар турли тиллар, истиқболлар, маданиятлар ва бошқалар билан тўла қимматли аъзолар сифатида кўриладиган жойлар бўлишга интилади. Энди сиз, ота-она ёки васий сифатида, фарзандингиз мактабининг ушбу жамоавий қарашлар йўлида ишлашини таъминлаш вақти келди.



2024 йил июнь

Иммигрант оила имкониятларини кенгайтириш